

Сийрат илми қуруқ тарих эмас



15:00 / 02.01.2022 2993

Ҳажжож ибн Илот ас-Саҳмий розияллоҳу анҳу Хайбар ғазотидан бир неча кун олдин иймон келтирди. Бу ғазотда Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам билан бирга, у зотнинг ёнларида туриб жанг қилди.

Жанг мусулмонларнинг ғалабаси билан тугади. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам ўлжаларни тақсимладилар. Сафийя бинт Ҳуяй онамиз мусулмон бўлгач, у кишига Набий алайҳиссалом уйландилар.

Ҳажжож Набий алайҳиссаломга деди:

-Эй Аллоҳнинг Расули! Маккада савдогарлар ҳузурида анчагина молим бор. Агар улар менинг мусулмон бўлганимни билишса молимни беришмайди деб қўрқаман. Менга рухсат берсангиз, шояд молимни қўлга киритсам!

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Рухсат!», дедилар.

Ҳажжож сўради:

- Эй Аллоҳнинг Расули! Қурайшга ҳийла қилишим лозим бўладида?!

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

- Рухсат, қилавер, дедилар.

Ҳажжож Мадинадан чиқиб Маккага, қурайшнинг олдига келди. Қурайш Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг Ҳайбарга юриш қилаётганларини билар эди. Улар Ҳажжожни кўриб қолиб ундан сўрашди:

- Муҳаммаднинг Ҳайбардаги иши нима бўлди?

Ҳажжож деди:

- У жуда ҳам қаттиқ мағлуб бўлди. Асҳоблари ўлдирилди. Ўзини асир олишди. Яҳудийлар: «Уни ўлдирмаймиз, уни қурайшга топширамиз. Ўлдирилган жигарпоралари учун қасос олишади», дейишди. Мен сизнинг олдингизга молларимни олгани келдим. Ҳайбардаги ўлжалар сотилиб бўлмасидан уларни сотиб олишга улгуришим керак.

Қурайш бу хабарни эшитиб жуда ҳам хурсанд бўлди. Бир куннинг ўзида Ҳажжожнинг барча молини жамлаб беришди.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг амакилари Аббос ҳали исломга кирмаган эди. У Ҳажжожнинг олдига келиб Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан хавотирланиб сўради:

- Эй Ҳажжож! Жияним ҳақида қанақа хабар келтирдинг?

Ҳажжож унга тўғриси айтди:

- Эй Аббос! Аллоҳга қасамки, менда сени хурсанд қиладиган хабар бор. Аллоҳ биродарингни ўғлига Ҳайбарни фатҳ қилиб берди. Катта ўлжа қўлга киритилди. Уларнинг бошлиғи Ҳуяй ибн Ахтабнинг қизига Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уйландилар. Мен исломга кирганман. Молимни олиш учун қурайшдан мусулмонлигимни яширдим. Буни уч кунгача яшириб тур. Агар уларга айтиб қўйсанг улар менга етиб олишади. Уч кун ўтганидан кейин айтавер!

Уч кундан кейин Аббос қурайшга бор воқеани айтиб берди. Қурайш Ҳажжож алдаганини билди.

Тўғри йўл билан олинмаган нарса урушда ҳийла билан олинади. Мўъмин зийрак ва ақлли бўлади. Уруш ҳийладан иборат. Муслмонларнинг фойдасигами ёки биргина муслмоннинг фойдасигами душманга ёлғон гапирса бўлади. Бу фақатгина душманларга нисбатан ва ҳақни қўлга киритиш учун айтилган ҳукмдир.

Аммо бир муслмон бошқа бир муслмон бўлмаган давлатга бориб қолса ва ўша давлат бунга омонлик берган бўлса уларнинг мулкани ўғирлашга, уларнинг ҳаққини ейишга ҳақсиздир. Бу ҳолатда кофирнинг мулкани ўғирлаш худди муслмоннинг мулкани ўғирлаш билан тенгдир.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг раҳматларига қаранг! Ҳажжожга молини қайтариб олиши учун пайғамбарга нисбатан айтиб бўлмайдиган гапни айтишга рухсат бераяптилар. Бунда катта дарс бор. Муслмонлар ўзаро бир-бирларига ёрдам беришлари лозимдир. Душмандан ҳақни олиш бўладими, ёки ўзаро бир-бирларидан олиш бўладими, бунинг фарқи йўқ.

Сийрат илми тасаллий учун айтиладиган қуруқ тарих эмас. У ҳаёт ҳақидаги, ақида борасидаги дарсдир. Барча асрларда муслмонлар ўз ҳаётларини шунга асосан қурганлар!

Абдулқодир Полвонов